

ЎҚИТУВЧИЛАРНИНГ КАСБИЙ КОМПЕТЕНТЛИЛИГИ

*Д.Р.Хожимухамедова,
ТДПУ ўқитувчиси*

Мамлакатимизда таълим тизимини ислоҳ қилиш борасида амалга оширилаётган ўзгартиришлар ва янгиликлар асосида педагог ходимларга қўйилаётган замонавий талаблар таълим ва ёшлар тўғрисидаги ҳукумат томонидан қабул қилинган қарорларнинг мазмун – моҳияти ва аҳамиятини тушуниб етадиган ҳамда тарғибот қиладиган; ўз фанини чуқур биладиган, педагогик жараёнларда ўқувчиларнинг субъективлигини ва фаоллигини оширишга алоҳида аҳамият қаратадиган; ўзаро дўстона муносабатларга асосланган ҳамкорликда фаолият кўрсатиш кўникмаларига эга бўлган; педагогик жараёнларни ташкил этиш ва бошқариш, ўқувчилар ва педагоглар ҳамкорлигини шакллантириш ва мувофиқлаштириш, педагогик жараёнларда мотивлаштириш, рефлексив фаолият жараёнларини ташкил этиш асосида рефлексив таълимий муҳитни шакллантириш йўналишларида зарурий билим, кўникма ва малакаларга эга бўлган ўқитувчи шахсини шакллантиришни тақозо этади.

Шундай бўлсада, таълим муассасалари ўқитувчиларининг аксарияти педагогик жараёнларни ташкил этиш ва бошқаришда ўқитувчининг асосий вазифалари таълим – тарбия жараёнини илмий асосда ташкил этиш ва назорат қилиш, таълим – тарбия жараёнида ўқувчиларга ўрганилиши режалаштирилган мавзу бўйича зарурий ахборотларни етказиб беришдан иборат, деб ҳисоблайдилар.

Фикримизча, педагогик жараёнларни ташкил этиш ва бошқариш жараёнида ўқитувчилар томонидан ўзига хос аҳамият касб этувчи қуйидаги вазифалар бажарилиши зарур: *ўқув дастурида ўрганилиши режалаштирилган мавзуга мос равишда*

таълим жараёнининг таълим – тарбиявий ва ривожлантирувчи мақсадларини белгилаш; мақсадга мувофиқ кўзланган натижаларга эришиш учун вазифалар белгилаш ва белгиланган вазифаларни бажариш йўналишида ташкил этиладиган фаолиятни олдиндан режалаштириш, амалга ошириш йўл – йўриқларини ва қўлланиладиган педагогик технологияларни танлаш; вазифаларнинг мазмун ва моҳиятига кўра ўқувчиларнинг имкониятларини олдиндан аниқлаштириш ва вужудга келиши мумкин бўлган вазиятларни олдиндан башорат қилиш асосида бажариладиган вазифаларни имкониятларга кўра тақсимлашни режалаштириш; таълим – тарбия жараёнининг самарадорлигига таъсир кўрсатувчи омилларни аниқлаш; педагогик жараёнда ўқувчиларнинг субъективлигини таъминлаш ва фаоллигини оширувчи технологияларни татбиқ этиш жараёнларини лойиҳалаштириш; педагогик жараёнда фойдаланиладиган дидактик воситаларни танлаш ва олдиндан тайёрлаш; педагогик жараёнларнинг узлуксизлиги ва узвийлигини таъминловчи чора – тадбирларни белгилаш; мактаб, оила ва маҳалланинг ўзаро алоқасини таъминлаш; педагогик жараёнларда илғор педагогик тажрибалар ва замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш; ДТС талабларини амалиётда қўллаш ва унинг мониторингини олиб бориш; ўқувчилар ўртасида анкета сўровлари ва суҳбатлар ўтказиш асосида ахборотлар тўплаш ва таҳлил қилиш; ўқувчилар фаолиятини ривожлантириш ва такомиллаштириш йўналишида белгиланган вазифаларни қайта кўриб чиқиш, янгилаш; ДТС асосида мустақил таълим жараёнларини ташкил этиш; ўқувчиларнинг мустақил таълим жараёни натижаларига қизиқишини шакллантириш ва рағбатлантириш асосида инновацион фаолиятни ташкил этиш; ўқувчиларнинг ўқув, меҳнат ва ўйин фаолитларини назорат қилиш ва мувофиқлаштириш.

Демак, таълим муассасалари ўқитувчиларининг ўз функционал вазифаларини амалга ошириш пайтидаги фаолияти давомида педагогик жараёнларни ташкил этиш ва бошқаришга йўналтирилган вазифаларни бажаришдан иборат бўлиб, педагогик жараёнларда кўзланган натижаларга эришиш учун белгиланган мақсадлар йўналишидаги субъект (ўқувчи)лар фаолиятини режалаштириш, ташкил этиш, назорат қилиш, таҳлил қилиш ва баҳолаш, педагогик жараёнларда бевосита ва билвосита таъсир кўрсатиш орқали субъектларнинг фаолиятини мувофиқлаштиришни назарда тутди.

Шундай экан, таълим муассасалари ўқитувчиларининг функционал вазифаларидан бири юқорида кўзда тутилган мақсадга эришиш учун таълим жараёни субъекти сифатида ўқувчиларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш ва фаоллигини оширишдан иборат бўлиб, улар ўз навбатида ўзини – ўзи, ўз фаолиятини, бир сўз билан айтганда таълим – тарбия жараёнини бошқарадилар. Мазкур фаолият ўз навбатида ўқитувчилар ва ўқувчиларнинг дўстона муносабатларга асосланган ўзаро ҳамкорликдаги бошқарув фаолиятини ифодалайди.

Ушбу жараёнда дўстона муносабатларга асосланган ҳамкорликдаги бошқарув фаолиятини ташкил этиш заруриятини белгиловчи бош мезон – бу педагогик жараённинг таълим – тарбиявий ва ривожлантирувчи мақсадлари бўлиб, унга эришиш учун вазифалар белгилаш, ташкил этиладиган фаолиятни олдиндан режалаштириш, амалга ошириш йўл – йўриқларини танлаш, бажариладиган вазифаларни тақсимлаш, белгиланган мақсадга эришиш учун ташкил этиладиган жараён иштирокчилари фаолиятини мувофиқлаштириш ўқитувчидан ўзига хос билим, кўникма ва малака, педагогик ва касбий маҳорат, касбий тажриба ва қобилият талаб этади.

Дўстона муносабатларга асосланган ҳамкорликдаги бошқарув фаолиятини ташкил этиш жараёни таълим – тарбия жараёни субъектлари ҳисобланган ўқитувчилар ва ўқувчилар фаолиятига тегишли бўлган жараён бўлиб, жараённинг самарадорлиги ўқитувчининг касбий компетентлиги даражасига боғлиқ бўлади. Лекин, кўпчилик мутахассислар таълим – тарбия жараёни ҳамда мазкур жараён субъектлари фаолияти самарадорлиги кўп жиҳатдан ўқитувчининг қанча муддат педагогик фаолият билан шуғулланганига, яъни ўз педагогик фаолияти давомида ортирган тажрибасига боғлиқ деб ҳисоблайдилар.

Фикримизча, педагогик жараёнларни ташкил этиш, бошқариш, сифат ва самарадорлигини барқарор ривожлантиришда ўқитувчиларнинг фаолияти самарадорлиги асосан уларнинг педагогик жараёнлар ва уларни ташкил этиш ва бошқариш йўналишидаги тушунчалари, билими, кўникма ва малакалари даражасига ҳамда уларнинг шахсий хусусиятлари ва касбий аҳамиятга эга бўлган шахсий сифатлари, шунингдек, қобилиятлари, маҳорати ва касбий тажрибасига боғлиқ бўлади.

Ўқитувчининг педагогик жараёнларни ташкил этиш ва бошқариш йўналишидаги билими, кўникма ва малакалари, қобилияти ва имкониятларидан таълим – тарбия жараёнларини бошқаришда, ўқувчиларнинг фаолиятини мувофиқлаштиришда қандай фойдалана олиши, қулай таълимий муҳит даражаси ва унинг натижвийлиги, ўқувчиларда шакланган ўқув мотивлари ва қизиқиш даражаси, рефлексив таълимий муҳитнинг шакланганлиги уларнинг касбий компетентлигига боғлиқ бўлади.

Шундай экан, таълим муассасаси ўқитувчиларининг педагогик жараёнларни илмий асосда ташкил этиш ва уни бошқариш ҳамда қулай таълимий муҳитни шакллантириши учун бошқарувнинг турли хил замонавий усулларини билиши ва уларга асосланиши, ривожлантирувчи ғоялар йўналишини аниқлай олиши,

илфор тажрибаларни ва фан – техника ютуқларини мунтазам ўрганиб бориши, уларни ўз фаолиятига татбиқ этиши, таълим – тарбия жараёнида ўқувчиларнинг мустақил фаолиятини ташкил этиш асосида уларнинг субъективлиги ва фаоллигини ошира олиши зарур ҳисобланади.

Фикримизча, таълим – тарбия жараёнларида ўқувчиларнинг фаолиятларини такомиллаштириш ва таълим – тарбия жараёнларининг самарадорлигини оширишнинг энг асосий шартларидан бири ўқитувчиларнинг инновацион фаолиятини ташкил этиш заруратидир. Ўқитувчиларнинг инновацион фаолияти – янгиликларни излаш, ўрганиш ва уларга таянган ҳолда илмий асосланган маълумотлардан фойдаланиш, педагогик, психологик ва ижтимоий – иқтисодий янгиликларни ўзлаштириш асосида таълим – тарбия жараёнига инновацион ёндашув технологияларини жорий этиш орқали педагогик жараёнлар самарадорлигини таъминлашдир.

Таълим муассасаси ўқитувчилари педагогик жараёнларни илмий асосда ташкил этиш ва уни бошқаришда инновацион ёндашувларга асосланиши, касбий аҳамиятга эга бўлган шахсий сифатларга эга бўлиши, ихтиёрий вазиятларда ўзини – ўзи назорат қила олиши, шунингдек, таълим муассасасида ҳукм сурувчи тарбиявий муносабатларни эътиборга олган ҳолда фаолият олиб бориши, турли хил масалаларни ва муаммоларни ҳал этишда мавжуд ҳуқуқий – меъёрий мезонларга асосланиши ўқитувчиларнинг касбий компетентлигини ифодалайди.

Шундай қилиб, компетентлилик таълим муассасаси ўқитувчиларининг маънавий дунёқараши, психологик – педагогик ва ташкилий – технологик салоҳияти, яъни унинг касбий имкониятларини тасвирлайди. Касбий имкониятни эса таълим муассасаси ўқитувчилари педагогик фаолияти жараёнининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, улар томонидан ташкил

этилатган педагогик жараёнларнинг ҳолати ва самарадорлиги орқали аниқлаш мумкин бўлади.

Демак, компетентли ўқитувчи таълим – тарбия жараёнини самарали ташкил этиш ва бошқариш йўналишида зарурий тушунчаларга эга бўлган, ёшлар психологиясини яхши биладиган, бой ва юксак ахлоқий фазилатларга эга бўлган, таълим жараёнига замонавий педагогик технологияларни татбиқ эта оладиган, тегишли маълумоти ва касбий тайёргарлиги бор, юксак педагогик маҳорат ва бой касбий тажрибага эга бўлган педагог шахсини ифодалайди.